

PUDRAT SHARTNOMASI

Шовот туман

Кейинги уришларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Шовот туман мактабгача таълим бўлими номидан Низом асосида иш кўрувчи бошлиғи Б.Ражабов бир томондан, кейинги уришларда «Пудратчи» деб юритиладиган «UYG'UR QURILISH SERVIS» МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи К.Бектурдиев иккинчи томондан 12- сон МТТ биносини жорий таъмирлаш буйича мазкур пудрат шартномасини тuzдилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади:

- **иясро хужжатлари** – натурала бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кулланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркигиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим масъулиягли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

- **қурилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади;

- **вакциналлик ишшоотлар** – Пудратчи томонидан курилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган хар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва ишшоотлар;

- **беркигиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркигиладиган ишлар;

- **шартнома нархини бўлиб чиқиш** – ишларнинг хар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ 12- сон МТТ биносини кузда тутилган лойиҳа буйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини уз ичига олган ҳолда жорий нархларда 74 770 000 Етмиш тўрт миллион етти юз етмиш минг сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта куриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини қулайгиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;

- ишлар қиймати Буюртмачи томонидан узгартрилганда;

- объектнинг курилиши бир йилдан ортиқ муддатга узгартрилганда;

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қопун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ургасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

10. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг уз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулккий жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллашунгача булган даврга далолатнома буйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риюя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчиға I-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- Пудратчиға ишларни қабул қилиш учун зарур булган ияро хужжатлари руйҳагини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади;

12. Буюртмачи мазкур шартномада кузда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тулик мулккий жавоб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни газначилиқдан утгандап кейин қопуний кучга қиради.

14. Пудратчи мазкур шартномаға илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ишларни бажаради.

15. Объектнинг 2022 йил «31» декабр фойдаланишга топширилиши белгиланади.

VII. ТУЛОВЛАР ВА ХНСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома буйича узаро хисоб-китоблар миллий валюта - «сумда» қилинади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома буйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% микдорида аванс утказади, 22 431 000 (ийтирма икки миллион тўрт юз уттиз бир минг) ни ташкил этади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун бюджетдан максалди берилган маблағлар уч банка кунда молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади.

19. Буюртмачи томонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган ҳолда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширилади.

20. Пудратчининг ҳисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект курилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект курилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тулаш, объект курилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тулаш учун ва Ушбу объект курилишининг бошқа харажатларига қатъий сарфланади.

21. Пудратчи жорий молиялаштириш учун ҳисобот ойнанинг охириг кунигача ва якуний молиялаштириш учун ҳисоб китоб учун курилиш монтаж ишлари миқдори, харажатлари тўғрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома ҳисоб-варақ-фактура» узи тузиб таклим қилади. Буюртмачи бажарилган курилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.

22. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний ҳисоб-китоб учун, бажарилган курилиш-монтаж ишларини миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сунг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома-ҳисоб-варақ-фактура» асос бўлади.

23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунча қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлайди. Объект Буюртмачига топширилгунча қадар объектнинг тасолифий йуқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

24. Буюртмачи курилиш майдонида уз вақтинчи – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигининг текширади.

25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз таиниш ҳуқуқига эгадир.

26. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан утказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йигилишларда муносабат равишда қатнашади.

27. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режа ва иш жадвалига бинван объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширс, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмагалигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи уз кучлари билан ва курилиш қийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қелишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишининг қечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларни бошланиши ва тамом бўлиши санаси материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олиниши, утказилган сановлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тухтаб қолишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилиш тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) аке эйтирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайтларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ.

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида қелиб қикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажарилмаслиқ учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзига келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан қуп вақтга қузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларин давом эттириш ёки уларнинг қонсервация қилиш учун қандай чоралар курилишини муҳокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида қелишса олмасалар, у ҳолда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақиқидир.

XI. КАФОЛАТЛАР.

34. Пудратчи:
- барча ишларин тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиҳа ҳужжатларига ҳамда курилиш метёрлари, қондалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
- узин томонидан курилиш учун қулданладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишни;
- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қондаларига мувофиқлигини кафолатлайди.
Мавжуд нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.
Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва қала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% миқдорда жарима солиш ҳуқуқига эга.

XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

35. Буюртмачи:
- шартнома қучга қиргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боғлиқ булмаган сабабларга қупа Пудратчи томонидан бир ойдан қуп вақтга қечиктирилганда;
- ишларни тугатишининг мазкур шартномала белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга қупайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риюя этилмаганда;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш метёрлари ва қондаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб қеладиган даражада бузилганда;
- қонуи ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

36. Пудратчи:
- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ булмаган сабабларга қупа Буюртмачи томонидан икки ойдан ортик муддатга тухтатиб қуйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;

- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.
37. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қушма қарорига қура туғалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади. Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.
38. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур булим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома тоборади.
39. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.
40. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

ХIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

41. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, Ўзбекистон Республикаси «Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида» ги қонунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 май 2003 йилдаги ПФ-3240 сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазиранлар маҳкамасининг 395 сонли қарори билан, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди.
42. Мазкур шартномада қузда тутилган ва тегишли иловаларда курсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлади ва:
- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома бўйича бунинг оқибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш қузда тутилган ишларнинг бажарилмаган қисмининг 5% миқдорда жарима тулайди;
 - буюртмачининг ҳисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини уч банка қунида сабабсиз пудратчининг ҳисоб рақамига утказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% миқдорда жарима тулайди;
 - шартномага муофиқ ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар ҳажмини асоссиз равишда қабул қилиб тасдиқлашдан бош торгани учун ушбу қабул қилиш, тасдиқлашдан бош торган сумманинг 5% миқдорда жарима тулайди;
 - шартнома шартларига муофиқ тийёр ҳолда қабул қилиш учун тақдим қилинган объектни асоссиз равишда қабул қилишдан бош тортса шартнома қийматининг 5% миқдорда жарима тулайди;
43. Мазкур шартномада қузда тутилган ва тегишли иловаларда курсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида қуйидаги ҳолларда мулкий жавобгар бўлади ва:
- Ишларни бажариш жадвалида белгилангандан кам ҳажмда ишларни бажарса, мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмидан ҳар кечиктирилган қуи учун 0.5% миқдорда пеня тулайди.
 - Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан ҳисобот оининг охириг қунига қадр тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар қийматининг 5% миқдорда жарима тулайди;
 - Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган қисмининг 5% миқдорда жарима тулайди;
 - объектни шартномада белгиланган муддатда тийёр ҳолда фойдаланишга топширмаса шартнома қийматининг 5% миқдорда жарима тулайди;
 - Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи қомиссияси тамонидан аниқланган қамчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ун қунидан ортиқ бўлмаган) муддатда бартараф қилмаса ушбу аниқланган қамчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 5% миқдорда жарима тулайди.
44. Агарда томонлардан бири уз реқвизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, қорхона атамаси ёки мақомини нотугри берса ва узгарганлиги тугрисидаги маълумотни уч қалендар қунида иккинчи томонга ёзма ҳабар бермаса айбдор томон иккинчи томонга шартнома баҳоининг 0,1% миқдорда жарима тулайди.
45. Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тугри қелса, айбдор томон иккинчи томонга барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.
46. Томонларнинг мулкий жавобгарликка тортилиб тулайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома қийматининг 30% ошмаслиги қерак.
47. Томонлар неустойка, жарима, пеня қаби мулкий талабларини далолатнома асосида тулов талабномаси бўйича ақцептсиз амалга оширишга ҳақлидир.

ХIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

48. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки узгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳоқама билан қелишувга эришмасалар, у қолда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга муурожаат қилишлари мумкин.

ХV. ҚОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ

- 7.1. Томонлар, уларнинг аффилианган (ўзаро боғланган) шахслари ва қодимлари, ушбу шартнома бўйича уз мажбуриятларини бажаришлари давомида қоррупцияга қарши қурашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб қеладиган ва ёки қоррупция қарактерига эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан қекланмай) қара бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмаирилик, қара олишга бевосита ёки биливсита рози бўлиш қатти-қаракатлари/қаракатсизликларини қодир этмайдилар.
- 7.2. Томонлар, уларнинг аффилианган (ўзаро боғланган) шахслари ва қодимлари бошқа Томоннинг қодимлари ёки вақолатланган вақилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига қизматларни бегараз қўреатиш ёки бу қодим ёки вақолатланган вақил тамонидан уни рағбатлантирувчи Томон фойдасига қандайдир қатти-қаракатлари/қаракатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз қечадилар деб маълум қиладилар.
- 7.3. Томонда ушбу шартноманинг 7.1-бандидаги талабларни бузиш қодир этилганлиги ёки қодир этилиши мумкинлиги тугрисидаги шубҳалар юзага қелган қолда, тегишли Томон бу қақда иккинчи Томонни қабардор қилиш, қоррупция билан қурашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари маъвуд бўлган қолда эса — амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вақолатланган органларни қам қабардор қилиш мажбуриятини уз зиммасига олади.

ХVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

49. Мазкур шартнома имзолангандан қейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзақи битимлар, ёзиқмалар, томонларнинг ўзаро қелишувлари уз қучини йуқогади.
50. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга қоттиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.
52. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан қелиб қикмайдиған янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб қеладиган қар қандай ақдлашувни томонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши қерак.
53. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар қунлангандан қейин қурилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у қолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш сапанасига бажарилган ишлар учун унга қак тулашни қечиктиришга ҳақлидир.
54. Мазкур шартноманинг жорий нарзалардаги қелишқан суммаси меъёрий-қонун ҳужжатларига Қ.Қ.С. тугрисида узгартиришлар қиритилса қайта қуриб қикилади.

55. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007-йил 28-февралда ПК-594-сонли қарорига асосан Газначиликда руҳхатга олингандан кейин кучга қонуний киради ва 2022 йил 31-декабргача амал қилади.
56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусхата тузилди.

XVI. ТОМОҢЛАРИНИڭ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

СУДРАТЧИ:


БУЮРТМАЧИ:

«UYG'UR QURILISH SERVIS» МЧЖ	Шовот туман мактабгача таълим бўлими
Манзили: Урганч туман Чоғқушир кичилоғи	Манзили: Туркистон куча 11уй
Тел/факс 93 289 70 70	Тел/факс: 62-34-54-370
х/р: 20208000504905296001	ш/хр: 401722860332307091100251003
ИНН: 301942869	ИНН: 305156054
Банк: Хамкорбанк АТБ Урганч филиали	ОКОНХ: 84113
МФО: 01020	Молня Вазирлиги Газначилиги
ОКОНХ: 41202	Газна х/в: 23402000300100001010
	Банк: Марказий банк Тошкент ш ХККМ
	МФО: 00014 ИНН: 201122919

М.У.


К Бекмурдиев
(Имзо)

К Бекмурдиев



М.У.

Б Ражабов
(Имзо)

	Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	BAXROM RAJABOV ILXOMOVICH
	Imzolangan sana	15.12.2022 10:35
	Hujjat kodi	MG0574373561
	Hulosa kodi	VP4278100224

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

VP4278100224

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: Shovot tuman maktabgacha ta'lim bo'limi va «UYG'UR QURILISH SERVIS» MChJ o'rtasida pudrat shartnomasi
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: SHOVOT, TUMAN MAKTABGACHA TA'LIM BO'LIMI tomonidan 15.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Shovot tuman yuridik
markazi
bosh yuristkonsulti:



M.O.MATYAQUBOV

15.12.2022

Хоразм вилояти Шовот тумани мактабгача таълим бўлимига қарашли 12-сон МТТ биносини жорий таъмирлаш ишларини молиялаштириш

ЖАДВАЛИ

74 770 000 (минг сумда)

№	Ишлар тури ва номи	Ишлар қиймати	2022 йил буйича қурилиш қиймати												
			4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	
1	2	3	январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр	
	Шовот тумани мактабгача таълим бўлимига қарашли 12-сон МТТ биносини жорий таъмирлаш	74770,0													74770,0
	ЖАМИ	74770,0													74770,0



Бюртмачи:

[Handwritten signature]

Пудратчи:



Хоразм вилояти Шовот тумани мактабгача таълим бўлимига қарашли 12-сон МТТ биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариш

ЖАДВАЛИ

74 770 000 (минг сумда)

№	Ишлар тури ва номи	Ишлар қиймати	2022 йил буйича қурилиш қиймати													
			январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр		
1	2	3														
	Шовот тумани мактабгача таълим бўлимига қарашли 12-сон МТТ биносини жорий таъмирлаш	74770,0														74770,0
	жами	74770,0														74770,0



Пудратчи: *[Signature]*

Бюртмачи: